



ISSUES OF STUDY OF THE ARCHAEOLOGICAL HERITAGE OF THE KASHKADARYA OASIS

A.S.Sagdullaev

doctor of historical sciences, professor, academician.
National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

O'.I.Abdullaev

doctor of historical sciences (DSc), professor.
Urgench State University
Urgench, Uzbekistan

D.A.Makhkamova

candidate of historical sciences.
Tashkent Renaissance Educational University
Tashkent, Uzbekistan

J.E.Togaev

doctor of philosophy in historical sciences (PhD), docent.
National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: visual art, culture, Sogdiana, Nautaka, Nikshapa, sources, architecture, traditions.

Received: 08.10.25

Accepted: 09.10.25

Published: 10.10.25

Abstract: The article examines several issues related to the study of archaeological monuments in the Kashkadarya Valley, including rock carvings, early cities, and fortifications. It also emphasizes the need for conservation, preservation, and museification of archaeological sites in order to organize excursions and promote the further development of tourism.

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АРХЕОЛОГИК МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

A.C.Sagdullaev

тарих фанлари доктори, профессор, академик.
Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон

Ў.И.Абдуллаев*тарих фанлари доктори (DSc), профессор.**Урганч давлат университети**Урганч, Ўзбекистон***Д.А.Махкамова***тарих фанлари номзоди.**Тошкент Ренессанс таълим университети**Тошкент, Ўзбекистон***Ж.Э.Тогаев***тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.**Ўзбекистон Миллий университети**Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: тасвирий санъат, маданият, Суғдиёна, Наутака, Никшапа, манбалар, меъморчилик, анъаналар.

Аннотация: Мақолада Қашқадарё воҳасида археологик ёдгорликлар – қоятош расмлари, илк шаҳарлар ва мудофаа иншоотларини ўрганишнинг айрим масалалари кўриб чиқилган, шунингдек, археологик объектларга экскурсиялар ташкил этиш ва туризм салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида, уларни таъмирлаш, сақлаш ва музейлаштириш зарурияти қайд этилган.

**ПРОБЛЕМЫ ИЗУЧЕНИЯ АРХЕОЛОГИЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ
КАШКАДАРЬИНСКОГО ОАЗИСА****А.С.Сагдуллаев***доктор исторических наук, профессор, академик.**Национальный университет Узбекистана**Ташкент, Узбекистан***У.И.Абдуллаев***доктор исторических наук (DSc), профессор.**Ургенчский государственный университет**Ургенч, Узбекистан***Д.А.Махкамова***кандидат исторических наук.**Ташкентский университет образования Ренессанс**Ташкент, Узбекистан***Ж.Э.Тогаев***доктор философии (PhD) по истории, доцент.**Национальный университет Узбекистана**Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: изобразительное искусство, культура, Согдиана, Наутака, Никшапа, источники, архитектура, традиции.

Аннотация: В статье рассмотрены некоторые вопросы изучения археологических памятников долины Кашкадарьи – наскальных рисунков, ранних городов и фортификации, а также отмечена необходимость консервации, сохранения и музеефикации археологических объектов с целью организации экскурсий и дальнейшего развития туризма.

Кириш. Қашқадарё воҳаси Ўзбекистоннинг тарихий-маданий вилоятларидан биридир. Унинг ҳудудлари тош даврдан бошлаб инсон томонидан ўзлаштирилган. Шу сабабдан, бу ерда турли даврларга оид археологик ёдгорликлар аниқланган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, воҳанинг бой тарихи ва маданиятига мансуб муҳим илмий маълумотлар қўлга киритилди.

Қадимда воҳа Сўғдиёнанинг жанубий қисмини ташкил қилган. Шу туфайли у илмий адабиётларда Жанубий Сўғд деб аталади. Воҳа тарихи ёзма манбаларда ҳам ўз аксини топган.

Асосий қисм. Археологлар томонидан Зарафшон тизмасининг жанубий тармоқларида, Китоб шаҳридан 25 км шимоли-ғарбида, тош даври ғор-маконлари текширилган. Улар қаторига, тахминан милоддан аввалги X–VI минг йилликларга оид маҳаллий аҳоли орасида Сийпантош деб номланган қоятош расмлари кашф этилди.

Марказий Осиёнинг тоғлик ўлкаларида кенг тарқалган уриб-ўйиб, ишқалаш ва чизиш усули билан ишанган расмлар- петроглифлардан фарқли ўлароқ, Сийпантош атрофларида яшаган ибтидоий рассомлар жигарранг, оч қизил ва сариқ рангли минерал бўёқлардан фойдаланганлар. Расмлар ичида турли чизиклар, доира ва хочлар, ёввойи буқа, узун бармоқларга эга аёлларнинг панжалари ва қуёшнинг рамзий тасвири мавжуд [1]. Марказий Осиёда аниқланган чамаси ёввойи ҳайвонлар ва уларнинг овлаш сахнасига мансуб анъанавий расмларга нисбатан, Сийпантош тасвирий санъатида инсоннинг само ва юлдузларга оид тасаввурлари ўз аксини топган. Бу жой узок ўтмишдаги уруғ жамоалари ёши катта аёл киши атрофида бирлашган она уруғи (матриархат) даврида ибодатхона бўлган бўлиши ҳам мумкин [3].

Қоятош расмлари археологик ёдгорликларининг бир тури сифатида қадимги давр инсоннинг тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади. Сийпантош Ўзбекистон тасвирий санъати тарихида умуман қадимги бадиий маданиятидаги ноёб ёдгорликлардан биридир.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида Зарафшон тизмасининг ёнбағирларини чорвадор қабилалари ўзлаштиришади. Кейинги босқичда (мил. авв. X–IX асрлар) Қашқадарё воҳасида деҳқончилик хўжалиги кенг ривож топди. Тоғлардан бошланган сойлардан асосий сув манбаи сифатида фойдаланилган. Ўтроқ аҳоли сойларнинг қуйи қисмларидаги деҳқончилик ва чорвачилик учун қулай ерларда алоҳида уй-қўрғонлар ва қишлоқ хўжалик воҳа-туманлари марказларида жойлашган. Яқин тоғ адирлар яйловларида чорва боқилган. Қуйи Қашқадарёнинг текисликларида сунъий суғориш мақсадларида дарёнинг асосий ўзани сувларидан фойдаланилган [4]. Натижада, деҳқончилик маданияти Қашқадарёнинг шарқий ҳудудларида (Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманлари) ва Қарши воҳасида кенг ривожланди.

Македониялик Александр қўшинларининг Сўғдиёнага юришларига оид юнон-рим манбаларида, юқорида ажратилган ҳудудлар “суғдийлар ери”, “суғдийлар вилояти” маъносида ёритилиб, Наутака ва Ксениппа деб аталган [5]. Бундан маълум бўлиб турибдики, мазкур атамалар, биринчи галда, суғдийлар жойлашган вилоятлар билан боғлиқ ҳолда тилга олинган. Тадқиқотчиларнинг ёзишича, “Наутака” топоними “нау” ва “итака” каби суғд сўзларидан иборат бўлиб, “янги вилоят, янгиер” тушунчасини англатади [6]. Бошқа вариантга кўра, “Наутака” атамасини “нава-така”, яъни “тўққиз дарё мамлакати” сифатида талқин қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашувни исботлаш мақсадида, ирмоқлари Зарафшон тизмаси ва Хисор тоғларидан бошланган тўққизта дарёларнинг номлари келтирилган [7]. Бизнингча, ушбу қарашларни тўлиқ қувватлаш мушкул, чунки “так” сўзи қурилиш, иморат” ҳамда кўчма маънода – “куч”, “кудрат” каби тушунчаларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, Шимолий Афғонистонда, мил. авв. IV асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмига оид оромий тилида ёзилган ноёб ҳужжатлар топилган. Улар сиёҳ билан чармга, ва ёғочга битилган. Мазкур ҳужжатлардан бирида Никшапая шаҳрида мудрофаа девори ва хандақ қуриш зарурияти ҳақида сўз юритилади, шунингдек, Киш (Кеш) тилга олинган. Бундан кўриниб турибдики, антик даври тарихчиларининг асарларида атамаси юнон тилига мослаштирилиб, “Ксениппа” шаклида асл номидан фарқли ўлароқ суғдийлар вилояти сифатида ёритилган. Шунингдек, бу ном, суғдий тушунчаси “Нихшапа” ёки “Никшапа” дан келиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Киш эса ўрта асрлар тарихида кенг маълум бўлган Кеш шаҳрининг қадимий номидир.

XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Наутака ва Ксениппа вилоятларининг тарихий географияси, ҳудудий жойлашиши масаласи мунозарали муаммога айланди. Фақат XX асрнинг 70-80-йилларида амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижасида мазкур муаммони ҳал қилиш имконияти пайдо бўлди.

Юқорида қайд этилган йилларда, Қашқадарё вилоятининг шарқий қисмида мил. авв. X–VIII асрлар ва мил. авв. VII–IV асрларга оид 25 тадан ортиқ уй-қўрғонлар, қишлоқ ва шаҳар харобалари топилди. Мисол тариқасида, Яккабоғ тоғлари этакларида Македониялик Александрнинг Суғдиёнага юриши йилларига ва бундан анча қадимги даврларга оид алоҳида қалъалар аниқланган ҳамда хом ғишт ва пахсадан қурилган уй-жойлар илк бор қазиб очилган [9].

Зарафшон тизмасининг этагидаги Шўробсой бўйида (Шаҳрисабздан 9 км шимоли-ғарбда) Сангиртепа ва Узунқир ёдгорликлари топиб текширилган.

Ўтган аср 80-йилларида Тошкент давлат университети (ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети) Ўрта Осиё археологияси кафедрасининг экспедицияси Сангиртепа ва Узунқирда дастлабки тадқиқотларни амалга оширди. Улар натижасида муҳим илмий маълумотлар қўлга киритилиб, 3 гектар майдонда жойлашган Сангиртепа, мил. авв. X–VIII асрларда пахсадан қурилган мудофаа деворлари билан ўраб олинганлиги аниқланди. [10]. Кейинги даврда (мил. авв. VII–VI асрлар) Сангиртепа марказида йирик иншоот тўғритўртбурчак шаклидаги катта марказий зал ва унинг ташқи қисми бўйлаб жойлашган узун коридорсимон хоналардан иборат. Залнинг ичида олов ёниб туришига мўлжалланган кичикроқ оташкада ҳамда тоза оқ кул ва кўмирли кул билан тўдирилган чуқурлар аниқланган [11]. Бу маълумотлар Сангиртепада текширилган иншоот қадимда олов ибодатхонаси вазифасини бажарганидан далолат беради.

Сангиртепадан 650 м масофада, 70 гектар майдонни эгаллаб олган Узунқир шаҳар харобалари жойлашган. Ёдгорликнинг катта қисми XX асрнинг кўп йиллари давомида олиб борилган қишлоқ хўжалик ишлари оқибатида шудгор қилинган. Шу сабабдан, қадимий шаҳардан мудофаа деворларининг 450 м узунлигидаги бир қисми ва ҳозирда Подаётоқтепа деб номланган ички қалъаси сақланиб қолган.

Узунқир мудофаа деворини ўрганиш туфайли Суғдиёнанинг илк темир даври мудофаа меъморчилигига оид янги маълумотлар қўлга киритилди. Девор мил. авв. VII–VI асрларда хом ғишдан қурилганлиги, тўғри бурчакли буржлар ва улар ичида мавжуд хоналардан ўк отиш учун мўлжалланган шинакларга эга бўлганлиги аниқланди. Деворнинг ташқи томони хом ғишдан барпо этилган тўртбурчак шаклдаги ярим устунлар билан мустаҳкамланиб, уларнинг юзида “алдамчи” шинаклар мавжуд бўлган.

Узунқирнинг мудофаа меъморчилигига хос жиҳатлари Марказий Осиёда ўрганилган илк темир даврига оид бирорта археологик ёдгорликда учрамайди, бироқ Олд Осиёдаги мил. авв. VIII асрнинг охирлари – VII асрга оид Мидия қалъаларининг мудофаа тизими билан кўпгина умумий жиҳатларга эга. Мисол тариқасида, ушбу қалъалар тўғри тўртбурчак буржлар, ярим устунлар ва шинакларга эга бўлганки, бу ҳол Узунқир меъморлари

томонидан Олд Осиё мудофаа иншоотларининг анъаналари қўлланилганлиги эҳтимолдан холи эмас. Узунқир мил. авв. IV асрда Киш деб аталган. Бу шаҳар Қашқадарё воҳасининг шарқий қисмидаги қадимги Наутака вилоятининг хўжалик, маъмурий, харбий ва маданий маркази бўлган. Ушбу тарихий вилоят Зарафшон тизмасидан Ҳисор тоғларининг жануби-ғарбий қисмидан оқиб бошланган Ўрадарёгача бўлган ҳудудни ўз ичига олган. “Наутака” номининг келиб чиқиши Узунқир ўрнида катта, қудратли қалъанинг қурилиши билан боғлиқ бўлишининг эҳтимоли юқори. Шу сабабли “Наутака” топоними маъносида, тадқиқотчилар таклиф қилган “янги вилоят”, “янгиер” ва “тўққиз дарё мамлакати” каби атамаларга нисбатан “янги қалъа” тушунчаси ўз аксини топган бўлиши мумкин. Ёзма манбаларда Никшапая (Никшапа) ва Ксениппа деб аталган вилоят Қашқадарёнинг қуйи қисмини қамраб олган. Унинг маркази мил. авв. VII–IV асрларда Қарши атрофидаги Ерқўрғон шаҳар харобалари ўрнида жойлашган.

Милодий IV–VII асрларга оид Хитой манбаларида бу вилоятнинг номи “Нашебо” ва “Нашеболо” шаклларида ёритилган. Улар суғдийча “Нахшаб” топонимининг бузилган шакллари бўлган [12]. Никшапа ва Нахшаб номларининг таркибидаги иккинчи бўғинида “ап”, “аб” сўзлари Авесто ва суғд тилларида “сув”, “дарё”ни англатади. Мазкур ҳолатга асосланган ҳолда, “Нахшаб” атамасини “дарё ҳавзаси”, “дарё водийси” каби маъноларда талқин қилиш ҳақида масала илгари сурилган [13]. Қуйи Қашқадарё деҳқончилик воҳасидаги марказий шаҳарнинг номи ҳам илк ўрта асрларда Нахшаб деб аталган. У Қалаи-Захоки Марон шаҳар харобалари ўрнида жойлашган. Ушбу шаҳар бир-биридан турлича масофада ажралган алоҳида учта мудофаа деворларга эга бўлиб, катта ҳудудни қамраб олган [14].

710-йилда шаҳарни араблар истило қилганлар. Бундан кейин аҳоли Қашқадарё бўйида янги шаҳарни бунёд этишган. VIII асрдан бошлаб араб тарихчилари ва географларининг асарларида бу шаҳарнинг номи “Насаф” шаклида ёритилган. XIV асрнинг биринчи чорагида воҳадаги маъмурий марказ Қарши деб атала бошлаган. Шундай қилиб, Никшапа-Ксениппа, Нахшаб, Насаф ва Қарши Қашқадарё воҳасининг ғарбий қисмидаги вилоят ва унинг турли даврларга оид марказий шаҳарларининг тарихий номларидир [15].

Қашқадарё воҳасида марказий шаҳарлардан ташқари қадимги давр ва ўрта асрларга оид ҳунармандчилик маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган шаҳарлар, савдо йўллари бўйлаб жойлашган қалъалар ва кўп сонли деҳқончилик уй-қўрғонлар тараккий топган. Масалан, X–XII асрлар ёзма манбаларида Субах, Науқат-Курайш, Сангарда, Афуран, Касба ва бошқа шаҳарлар қайд этилган.

Қашқадарё воҳаси ҳудудидан муҳим савдо алоқа-йўллариининг тармоқлари ўтган. Улар Эрон ва Афғонистонни Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона водийси билан

боғлаган. Карвон йўлларида жойлашган шаҳарларда карвонларнинг тўхтаб дам олиши ҳамда савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиши учун шароитлар яратилган. Археологлар воҳада бир қатор бундай шаҳар харобаларини топиб текширганлар. Қамайтёпа, Олтинтёпа, Чимқўрғонтёпа, Чандарактёпа ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шу қаторда Қашқадарё вилояти машҳур тарихий-меъморчилик обидалари, эпиграфика ёдгорликлари ҳамда тасвирий санъат ва халқ ҳунармандчилиқ анъаналари кенг тарқалган ўлкадир. Улар ҳам кўплаб тадқиқотчилар диққатини ўзига тортиб келган.

Хулоса. Бугун Янги Ўзбекистонда тарихий-маданий мерос ёдгорликларини ўрганиш, таъмирлаш, қайта тиклаш ва сақлаш масалалари катта аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда маданий-маърифий соҳадаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсади ҳолат муҳим вазифаларни амалга ошириш билан боғланиб, шу жумладан, улар ичида археология ёдгорликларини очиқ осмон остидаги музейларга айлантириш вазифаси ҳам ўз долзарблиги билан ажралиб туради.

Қашқадарё вилоятида кўп йиллар мобайнида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, хронология жиҳатдан энг қадимги даврлардан бошлаб 1800 дан ортиқ ёдгорликлар кашф этилиб, ҳисобга олинган. Улар ичида тарих фани соҳасида кенг маълум бўлган Сийпантош қоятош расмлари ёдгорлигини алоҳида давлат музей қўриқхонасига айлантириш талаб этилмоқда. Китоб-Шаҳрисабз воҳасида Сангиртёпа, Узункир, Податаёқтёпа ва Қарши воҳасидаги Ерқўрғон, Қалаи-Заҳоки Марон ҳамда Шулликтёпада археологлар томонидан казиб очилган хом ғишт ва пахсадевор объектларини лой материаллар ёрдамида таъмирлаш, уларнинг устки қисмини айвон типигади енгил конструкция билан беркитиш, яъни сайёҳлар учун томоша галереяларни барпо этиш ва ёдгорликлар атрофини ободонлаштириш талаб этилади.

Бундай ёдгорликларни Шаҳрисабз давлат музей қўриқхонаси ва Қашқадарё вилояти тарихи ва маданияти музейи кўргазма экспозициялари таркибига киритиш, улардан музей экспонатлари сифатида самарали фойдаланиш, сайёҳлар учун экскурсиялар ташкил этиш, ички ва ташқи туризм салоҳиятини янада ривожлантириш, археологик мерос объектларини тиклаш ва сақлаш вазифасига жавоб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Сулейманов Р. Новый памятник первобытного искусства в Средней Азии // Санъат, 2002. №1. – С. 3-6.
2. Сулейманов Р. Открытие древнейшего святилища в долине Кашкадары // Ўрта Осиё тарихи ва маданияти. – Тошкент, 2002. – С. 110-111.
3. Сагдуллаев А. Ўзбекистан археологияси: изланиш ва кашфиётлар // Moziydansado, 2020. №4, – Б. 14-15.

4. Лушпенко О.Н. К истории изучения поселений раннежелезного века долины Кашкадарьи // Древняя и средневековая археология юга Средней Азии. – Ташкент, 1990. – С. 24-29.
5. Кадимги Кеш–Шахрисабз тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Шарк, 1998. – Б. 11-14.
6. Ртвеладзе Э.В. Александр Македонский в Трансоксиане. Походы, историческая география. – СПб: Евразия, 2019. – С. 92.
7. Грене Ф. Заметки о топониме Наутака // Шахрисабз шахрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. – Ташкент, 2002. – Б. 10-11.
- 8 Shaked Sh. Le satrale de Bactriane etson gouverzneuz // Documents aramtcus du IV s. avant notze ere provenant de Bactriane. – Paris, 2003. – P. 31.
9. Сагдуллаев А.С. Памятники материальной культуры Южного Согда эпохи раннего железа // Культура юга Узбекистана в древности и средневековье. – Ташкент, 1987. – С. 10-11.
10. Сагдуллаев А.С., Лушпенко О.Н. Новые данные к изучению древнесогдийских поселений // Общественные науки в Узбекистане, 1989. №12. – С. 40-42.
11. Рапэн К., Хасанов М. Сакральная архитектура Центральной Азии с ахеменидского периода по эллинистическую эпоху: Между локальными традициями и культурным трансфером // Культурный трансфер на перекрестках Центральной Азии: до, во время и после Великого шелкового пути. – Париж-Самарканд, 2013. – С. 42-58.
12. Массон М.Е. Столичные города в области низовьев Кашкадары с древнейших времен. – Ташкент: Фан, 1973. – С. 19.
13. Мухаммаджонов А. Нахшаб–Насаф–Кашкадарё–Кеш водийси демакдир // Ўрта Осиёнинг кадимги ва ўрта аср шаҳар маданияти аънаналари. – Тошкент, 2010. – Б. 15.
14. Сулейманов Р.Х. Древний Нахшаб. – Ташкент: Фан, 2000. – С. 26-28.
15. Сагдуллаев А. Ксениппа-Нахшаб-Насаф-Карши (эволюция исторических названий города) // San'at, 2005. №2. – С. 6-8.